

ШАРТНОМА № 28

(Ичимлик сувини етказиб берииш, оқава сувларини қабул қилиши хизматлари ва түловни амалга ошириши бўйича)

Коровулбозор т.

“05” январ 2022 йил

Бухоро вилоят "Сувокава" ДУК Коровулбозор филиали (кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи корхона бошлиги У. Расулов бир томондан ва Коровулбозор Саноат-транспорт касб хунар мактаби (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади) ўзининг низоми (ишончнома, буйрук) асосида иш юритувчи раҳбари У.Расулов, иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар ҳакида тузамиш.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1 "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га ичимлик сувини етказиб бериш ва окава сувларни қабул қилиш мажбуриятини уз зиммасига олади. "Истеъмолчи" уз урнида амалда кулланилаётган тарифлар асосида ва ушбу шартномада кайд этилган шартлари бўйича "Таъминотчи" га түловларни уз вактида тулааб бериш мажбуриятларини олади.

1.2. Истеъмолчи томонидан окава тармогига ташланадиган окава сувлар микдори, ичимлик суви тармогидан сарф килинган сув микдорига тенг қилиб қабул қилинади.

1.3. Ичимлик сувини етказиб бериш ва окава сувларини қабул қилиш бўйича томонларнинг хукук ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 15.07.2014 йилдаги 194-сон карори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окава сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Коидалари"га (матн давомида «Коидалар») ва ушбу соҳадаги бошка меъерий хужжатлари асосида тартибга солинади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Таъминотчи" нинг хукук ва мажбуриятлари:

2.1.1. «Истеъмолчи»ни шахар сув ва окава сув тармогига уланган инженер-техник воситалари оркали коммунал тармогидан фойдаланиш чегарасигача ичимлик суви билан таъминлайди ва окава сувини кувурлар оркали қабул қиласи. Коммунал тармогидан фойдаганиш чегараси «Истеъмолчи»нинг шахар ичимлик сув ва окава сув узатиш тармогига уланган жойидир.

2.1.2. «Истеъмолчи»нинг тармокка уланган жойигача булган ичимлик сув ва окава сувларни узатиш тармогини таъмирлаш, кайта тиклаш, кенгайтириш, янгилаш ҳамда ҳалокатларни барча сув окувларни бартараф этиш каби ишларни амалга оширади.

2.1.3. Шахар сув ва окава тармогида зарурат тугилганида таъмирлаш, бошка турдаги ишларни олиб бораётган холларда «Истеъмолчи»ни олдиндан огохлантириб, ичимлик сувини бериш ва окава сувини қабул қилишни тухтатади.

2.1.4. «Истеъмолчи» белгиланган вактда тўловни амалга ошираса, "Таъминотчи" 7 кун давомида карздорликни коплаш тўғрисида огохлантиради, карздорлик қопланмаса, шунингдек карздорлик микдори шартнома умумий баҳосининг 10 фойзидан ошса сув таъминоти тўхтатилади.

2.1.5. Куйидаги холларда «Истеъмолчи»га хабар бермасдан тўриб, сув етказишни ва окава сувларни узатиш тута ёки кисман тухтатади:

- "Таъминотчи" корхоналарида элекстр куввати билан таъминлаш тухтатилганда;
- Табиий оғатлар юз берганда;
- Шахар сув тармогида кучли ҳалокатлар юз берганда;
- Шахар сув тармокларига узбошимчалик билан уланганда;

2.1.6. Шартномада илова килинган «Истеъмолчи»нинг сув тармогини ва иншоотларини лойихасига асосланиб «Истеъмолчи»нинг ички сув улчаш асбобларини холатини назорат қилиб боради, улардан тугри, техник фойдаланиш ва сакланиши шартларига амал қилинишини талаб қиласи.

2.1.7. Сув улчаш асбобларнинг курсаткичини, уларнинг муҳрини сакланишини ва бутунлигини кузатиб боради. Аникланган камчиликлар юзасидан «Истеъмолчичининг вакили иштирокида далолатнома тузади ва «Истеъмолчи»га амал қилиш учун курсатмаларни беради. «Истеъмолчи» юкорида курсатилган хужжатта кул куйишдан бош тортса, бу холда узининг ёзма эътирозини асослаб 2 кунлик муддатда тақдим этиши шарт, у холда бир томонлама тузилган далолатнома конуний хисобланиб, мазкур ойда хисоб китоб учун хисобхонага тулов ундиришга қабул қилинади. Агар келгусида мавжуд карздорлик туланмаганида, хужжатлар хужалик судига белгиланган тартибда мурожаат қилишга асос будади.

2.1.8. Истеъмолчиларнинг гурухларига караб, етказиб берилган сув ва курсатилган окава хизматлари учун белгиланган тарифлар асосида тақдим этилган хисоботи юзасидан, уларга хисобхона тулови учун хужжатларни тақдим этади. Агар хисобот тақдим этиш жараённида, унда католиклар аникланиб, тузатиш киртилган холда нусхаси кайтарилганида, Истеъмолчи томонидан мазкур узгариши, тузатишлар юзасидан тузатилган хисоботларни З кунлик мухлатда кайта тақдим этилиши шарт, акс холда бу тузатишлар билан топширилган хисобот асосли, ҳакиқий деб хисобланишига олиб келади ва ҳакикатда фойдаланилган микдор учун тўлов амалга оширилиши талаб қилинади.

2.1.9. «Истеъмолчи»га ичимлик сувнинг ва окава сувларни қабул қилиш тарифларни узгаргани тўғрисида уларни амал қилиш муддатидан камида 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари оркали хабар беради.

2.2. «Истеъмолчи»нинг хукуклари ва мажбуриятлари:

2.2.1. Мазкур шартнома имзоланиши жараённида уз карори ва буйруги билан ички сув етказиш тармогига, сув улчагич асбобларига ва корхонаси хисоботларига жавобгар шахсини тайинлаб, "Таъминотчи" га уларни тақдим этади.

2.2.2. Шахар сув билан таъминлаш ёки окава сувларни узатиш тармогига уланишдан олдин, "Таъминотчи" дан белгиланган тартиб асосида Техник шартларини олади, унга сув таъминлаш еки окава сувларни узатиш тармогининг ва узига

тегишили шахар сув тармогига уланган барча объектларнинг жойлашиш лойихасини тақдим этади. «Истемолчи» шахар сув еки оқава сувларни узатиш тармогига уланиш еки ундан узилиш харажатларини уз зиммасига олади.

2.2.3. Хар ойнинг 20-25 чи саналари ичиза хисобот «Иловга 1» тақдим этади ва «Таъминотчи» нинг ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларни кабул килиш хизматлари учун амалдаги тарифлар асосида хар 1 метр куб ичимлик суви учун 3385 сум, 1 метр куб оқава сувларни кабул килиш учун 1890 сум ва ушбу шартнома буйича курсатилган бошка туловларни уз вактида тулааб боради.

2.2.4. Сув улчаш йигмасини (сув улчаш ва учирин асбоби) шахар сув тармогига уланган хар бир кувурига Коида асосида кулай ва химояланган жойда урнатади. Сув улчагич йигмаси харид килиниши «Истемолчи» зиммасига юкланди ва сув улчагичи курилмаси, унинг техник соз холати буйича жавобгар хисобланиб, улчагични Давлат стандарти куригидан 2 йилда 1 марта уз хисобидан утказиши шарт. «Истемолчи»га бу учун 1 ой мухлат берилади. Белгиланган муддат ичиза киёсловдан утказилмаган тақдирда сув сарфи 3.4 бандга асосан хисобланади.

2.2.5. Истемолчи сув улчагич йигмасидаги муҳрларнинг сакланишини назорат килади ва бузилган еки сув улчагич ишдан чиккан холларда «Таъминотчи» га уч кун давомида езма равишда хабар беришни уз зиммасига олади. Хабар берилмаган тақдирда ёки «Таъминотчи» ходими томонидан аниқланган холатида сув сарфи белгиланган тартиб асосида хисобланади (шартноманинг 3.4 банди). Сув улчаш асбоблари «Узстандарт» органлари еки уларнинг ваколатли корхоналари томонидан текширилишини ва мухрланишини, хамда доимий текширувидан утишини уз хисобидан таъминлайди. Сув улчаш асбобини таъмирилаш еки алмаштириш, текшириш максадида ечиб олишдан олдин «Таъминотчи» га хабар беради ва унинг вакили билан сув улчагични охирги курсатмаларни тасдиқлайди.

2.2.6. «Таъминотчи» вакилини сув улчаш асбоби урнатилган жойини ва сув тармогини исталган пайтда бирор бир тускинликсиз куздан кечиришни таъминлаши шарт.

2.2.7. Узига тегишили сув ва оқава сувларни узатиш тармоги, иншоот ва ускуналарнинг техник холатини, фойдаланиши тартибини керакли равишда назорат килади, уз худудида ичимлик сувининг барча турдаги окувларини ва самараисиз фойдаланишини бартараф килиш учун тегишили тадбирларни амалга оширади.

2.2.8. Шахар сув тармогига ноконуни улангани, фойдаланилаётган сув ускуналарнинг носозлиги ва уз худудидаги ичимлик сувидан бехисоб, тежамсиз сарфлангани учун «Ичимлик сувидан ва оқавадан фойдаланиш коидалари» асосида жавоб беради.

2.2.9. Уз худудидаги сув тармоги лойихасини узгаришини, суб-Истемолчиларнинг уланиш истагини «Таъминотчи» га хабар беради, уларни алоҳида сув улчагич асбоблари урнатишини ва «Таъминотчи» билан тегишили шартнома тузишни талаб килади.

2.2.10.Хар ойнинг 20-чи кунидан то 25-гача хисобот ойида сарфланган ичимлик суви буйича ваколатли шахслар томонидан имзоланиб, муҳрланиб тасдиқланган хисоботини «Таъминотчи» га топширади. Хисобот белгиланган муддатда топширилмаган холатида шартноманинг 3.4 бандига асосан ва маълумотлар камайтириб курсатилган холларда эса ичимлик сув сарфи хисобот даври учун шартноманинг 2.1.8-бандига асосан хисобланиб, кабул килинади.

2.2.11. Марказлашган иссик сув тармогида сув хисоблагачи мавжуд Истемолчиларнинг оқава сув сарфи иссик сув улчагич курсаткичига караб хисобланади, агар сув улчагич булмаган тақдирда 1.3 коэффицент асосида хисобланади.

III. ХИЗМАТ ХАКИ, ТУЛОВЛАР ТАРТИБИ

3.1. 1 метр куб ичимлик сувининг нархи 3385 сум ва 1 метр куб оқава сувларни кабул килиш учун 1890 сум 0 тийин хисобланади.

3.2. «Истемолчи»ни мазкур харажат учун 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағ доирасида белгиланган 189 метр куб 511135 сүм микдорда ичимлик суви билан таъминлайди ва 151 метр куб 285380 сүм микдорида оқава сувларни узатиш хизматларини, жами 796528 сўмлик хизматлар кўрсатади.

Йил	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	Жами бир йилда
2022 Бюджет хисобидан тулов	<u>796528</u>	—	—	—	<u>796528</u>
М Куб микдорида ичимлик суви	<u>151</u>	—	—	—	<u>151</u>
М Куб микдорида Оқава	<u>151</u>	—	—	—	<u>151</u>

3.3. Сарфланган сув учун хисоб-китоб «Истемолчи»нинг сув улчагич курсаткичлари асосида олиб борилади. Агарда сув улчагич асбоби ишдан чиккан булса, биринчи ой сарфланган сув микдори охирги уч ой даврда булган уртacha ойлик сарфи буйича белгиланади. Агар бир ой давомида «Истемолчи»нинг сув улчагич йигмаларида носозлик еки мухрнинг йўклиги (бузилганилиги) бартараф килинмаган булса, ичимлик суви сарфи кувурнинг кесими буйича кунлик сарф кобилияти асосида шартноманинг 3.4. банди асосида хисобланади.

3.4. Уланган кувурнинг кесими буйича кунлик сув сарфи куйидаги формула буйича, яъни

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$
, асосида хисобланади, бунда-сув сарф микдори, F- кувурнинг кундаланг кесим майдони (m^2), t-вакт, H-сурʼ босими (м) сув сарфи кунлик 24 соатда, M - 060-062 га тенг булган зулғин оркали сув сарфи коэффициенти, $2g = 2 \times 9,8$ м/секундга тенг булган эркин тушиш тезлиги буйича хисобланади.

3.5 «Таъминотчи» «Истемолчи»га етказилган ичимлик суви ва бошка курсатилган хизматлари учун тақдим этган хисоботи юзасидан тулов варакасини хар ой хисобот жараённида туловни 30 кун муддат ичиза амалга ошириш учун тақдим килади. Шу билан бирга Истемолчи тулов жараённида хисобот ойи тулов микдоридан ташкари келгуси хисобот ойи учун 30% олдиндан тулов хаки сифатида туловни хам амалга ошириши шарт. Карздорлик мавжуд булган холларда хар чорак, зарурият булганда, хар ой карздорлик буйича солиштирма далолатнома

тұзилади. «Истемолчи» уз вактида сув сарфи учун берилған тулов варакаси ёки солиширмада асосида туловни пул утказиш еки нақд пул оркали тұлайды. Курсатылған мухлатта пул утказилмаган тақдирда, хар бир туламаган күн учун 0,4% жарима умумий карздан 50%дан ошмаган холда үндірилади.

3.6. «Истемолчи» томонидан туловлар ўз вактида амалға оширилған тақдирда. Коидалар ва мазкур шартномада белгиланған тартибда ехтиёж ва талабдан келиб чишиб, сув таъминоти узиб күйилиши мүмкін. Сув етказиш «Истемолчи» томонидан карздорлық ва марказий тизимдан узиш хамда кайта улаш харажатлари копланғанидан сунг ёзма равишида қарзларни тұлашыга кафолат (солиширмада долалатнома, суд карори) берилганидан кайта уланади.

3.7. «Таъминотчи» билан шартнома тузган «Истемолчи»нинг ички сув тармогига бошка истемолчилар гурухига қарашиб суб-Истемолчилар уланған холда, ушбу суб-Истемолчилар билан сув сарфи хисоб-китоб алохидан тузилған шартнома ва белгиланған тарифлар асосида олиб борилади.

IV. ТОМОНЛАРНИҢ ЖАВОБГАРЛЫГИ

4.1. Томонлар уртасыда келишмовчилик ва низолар узаро келишилған холда ечилиши лозим, ечинин топмаган холда Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилігі асосида суд органларыга мурожаат килишлари мүмкін.

4.2. Шахар сув тармокларига узбошимчалик билан уланғанда амалдаги конун хужжатларига асосан жиной жавобгарлышқа тортаптырылғанда огохлантириб, яғни далолатнома тузид прокуратура органларыга мурожаат килинади хамда сув ва оқава учун зарап туловлары Коидаларнинг 42-банди ва мазкур шартноманинг 3.4-бандига асосан амалдаги тарифлар асосида хисобланади.

4.3. Шартномага муддатты туташи ёки шартнома умумий баҳоси микдорида хизмат күрсатылышы билан «Истемолчи» 5 күнлик муддатты ичиде шартномага ўзгартырып ва қўшимчалар киритиш тўғрисида мурожаат килиши шарт, акс холда тармоқдан узиб қўйилади ва бу борадаги харажатлар копланishi талаб килинади.

4.4. Томонлар уртасыдаги шартнома бекор килинған тақдирда хам, улар келтирилған зарап ва узаро карздорлық жавобгарлигидан озод килинмайди.

4.5. Шартноманинг бажарилишида ва шартномада акс эттирилмаган масалаларни хал килишда томонлар «Коидалар» асосида иш юритадилар.

V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Мазкур шартнома 2022 йил «05» январдан «31» декабргача амалда булади.

5.2. Мазкур шартнома ўзбек тилида бир хил юридик кучга эга бўлған икки нусхада тузилған ва томонларда сакланади.

5.3. Шартнома муддатидан оддин кўйидаги холларда бекор килиниши мүмкін:

- томонларнинг келишувига мувоғик;
- конунчилик хужжатларидан назарда тутилған холларда.
- Форс-мажкор холатларидан.

VI. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

6.1. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 122-моддаси ва Адлия вазирлігі томонидан 2016 йил 22 декабрда 2850 сон билан рўйхатдан ўтган Бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси коидалари хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорининг 6-бандига асосан мазкур шартномамажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартва факат у амалга оширилгандан кейин кучга киради.

VII. ХИСОБ-КИТОБ.

7.1. Сув улчагич ишлаганда сув харажати микдори сув улчагичнинг курсаткичига караб хисобланади. Агар сув улчагич ишламаганда эса бир ой мухлатдан кейин кириш сув қувурининг диаметри билан 1,5 м/секунд тезлиқда 24 соат суткасига сув харакатда булади деб хисобланади.

«Таъминотчи»

Бухоро вилоят "Сувокава" ДУК

(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)

Манзил: Коровулбозор шаҳри

Тел./факс:

х/р 22638000600309412328

Банк номи: БУХОРО ІШ., "ИПОТЕКА-БАНК" АТИБ БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

МФО 00088

СТИР 201513859

Рахбар



ХУКУКШУНОС

В.еэж
М.С.жонев

«Истемолчи»

Коровулбозор Саноат-траспорт коллежи

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Коровулбозор шаҳри

Тел./факс: 364-15-43

ш/х: 100010860062327092901079001

ИН:203751894 ОКОНХ:92120

Ғазначилик бўлинмаси номи: Коровулбозор туман бўйича ғазначилик бўлинмаси

Фз/х:234020003001000001010

Банк номи: Марказий банк Гошкент ш.

Рахбар



У.Расулов